

## ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒИСИ КАМОЛ ТОПИШИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Файзуллаева Мухайё Зоҳир қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети


[fayzullayevamuhayyo23121997@gmail.com](mailto:fayzullayevamuhayyo23121997@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни, фарзанд тарбияси ҳақида тушунча ҳамда оилада ватанпарварлик масалалари тўғрисида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Оила, жамият, таълим-тарбия, ватан, ватанпарварлик, маънавият, ватанпарварлик хиссёти, ёшлар.

Оила–жамиятнинг таянчи. Фарзандларимиз онгида эл-юртга, Ватанга муҳаббат туйғулари оилада, яшаб турган маҳаллада шаклланади. Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши энг олдин мана шу кичик жамиятда ўсиб-унаётган болаларимизга боғлиқ.

Тадқиқотимда “Сизнинг фикрингизча, бизнинг жамиятда инсон маънавиятига нима энг кўп даражада таъсир кўрсатади?” (% да) саволини телеграм тармоғи орқали ота оналар гуруҳига савол сифатида берилди. Унда 80000 дан ортиқ иштирокчи қатнашди.



Демак, шахс маънавиятини шакллантирадиган, ватанпарварлик руҳини оширадиган омиллар орасида оила ва оилавий тарбия, маҳалла, таълим-тарбия тизими масканлари ҳамда ижтимоий муҳит таъсири юқори экан.

Қайси оилада, қайси маҳаллада тарбия яхши йўлга қўйилар экан, ўша оила, ўша маҳалла гуллаб яшнайдди. Улуғ маърифатпарвар ватандошимиз Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” асарида фарзанд тарбияси ҳақида қимматли фикрларни илгари суриб кетганки, булар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Унда шудай дейилади: “Оиладаги энг оғир вазифа бола туғилгандан кейинги фарзанд тарбиясидир. Баъзи одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инқилобларининг асоси ана шу фарзанд тарбиясига боғлиқ. Бу халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жамоасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқдир. Тарбия уч қисмдан иборат. Булар бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия оилада ота-оналар намунаси болалар учун ҳаёт дарси ҳисобланади. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбига яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ва номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларини вужудга келтиради.

Маълумки, ўзбек оиласи азалдан мустаҳкам, ҳавас қиларли оила бўлиб келган. Яъни, оила тинч – Ватан тинч, деган эзгу тушунча доимо шууримизда, қалбимизда бўлиши керак. Президентимизнинг “Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада –Ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга, касб-ҳунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиз керак” деб айтилган сўзлари ёшлар билан ишлашнинг тизимли йўлига асос бўлмоқда<sup>[16]</sup>. Оилаларнинг мустаҳкамлиги энг аввало халқнинг, Ватаннинг ҳам бойлигидир.

<sup>16</sup> Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Ғофур Фулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.27- бет

Оила маънавиятли ва фаровон бўлса, унда тарбияланаётган ёш авлод ҳам маънавий жиҳатдан этук, соғлом, мустақил фикрли комил инсон бўлиб вояга этади. Ёшларнинг ватанпарварлик туйғуси ва миллий ғурурини шакллантириш, аждодларимиз меросига хурмат, ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини таркиб топтириш йўлида маънавий, маърифий тарбиянинг янги йўллари топиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини бошқара оладиган ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса шуки, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш моҳиятига кўра уларни оилага нисбатан хурмат ва эътиборли, ўз зиммасидаги вазифаларга нисбатан масъулиятли бўлишга одатлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз маънавий меросидан, ислом динининг соғлом турмуш маданияти, меҳрибонлик ғояларидан фойдаланишга эришиш зарур ҳисобланади. Ёшларни мамлакатимизда кечаётган янгиликлар, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини онгли англаб этиши орқали туб ўзгаришлар жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантириш ва фуқаролик масъулияти ила тафаккурини чархлаш талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Гофур Гулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.27- бет
2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: Ўзбекистон. 2017. –Б.229
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
4. Абдурауф Фитрат. Оила. Т., Маънавият. 2000. 2. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. Т., Ўзбекистон, 2019.